2022 YIL – INSON QADRINI ULUG‘LASH VA FAOL MAHALLA YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 8-sentabr, payshanba | № 35 (9199)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

## СЕНАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

**Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Сенат Раиси Танзила Норбоева бошқарган мажлисда Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисини 2022 йил 13 сентябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

Қайд этилганидек, навбатдаги ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Жумладан, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда бир қатор қонунлар муҳокама қилинади. Хусусан, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил I ярим йиллиги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг ҳамда Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Шунингдек, сенаторлар Боёвут, Қарши, Олот, Бўстон ва Тўрақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўрганиш натижаларини муҳокама қилади.

Ялпи мажлисда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини кўриб чиқиш назарда тутилган.

Тадбир якунида Сенат Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## “СУВ ФАҚАТ СУВЧИГА КЕРАКМИ?!”

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби Шуҳрат Суюнов ўз сайтида “Сув фақат сувчиларга керакми?!” сарлавҳала мақола эълон қилди. Ундан иқтибос келтирамиз: “...Аҳоли ўртасида ариқларни тозалаш, сувни ортиқча исроф қилмаслик, ундан тўғри фойдаланиш масаласини кўпроқ тарғиб қилишга эҳтиёж сезилмоқда. Айнан сув танқислиги муаммолари ҳақида бонг ураётган экспертлар, ўзлари тушуниб, тушунмай соҳани танқид қилувчи журналистлар шу мавзуга сал бош қўшса, юртимизда ариқларни тозалаш тадбирларини оммавий ҳаракатга айлантиришни тарғиб қилишса, нур устига нур бўларди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## “АФСОНА” – ғўзанинг янги нави

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари томонидан ғўзанинг иқлим шароитига мос, қурғоқликка чидамли ва серҳосил “Афсона” нави яратилди.***

Ушбу нав ўтган йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги “Maroqand sifat” МЧЖнинг Ойбек ҳудудидаги 1,4 гектар ер майдонида синовдан ўтказилиб, гектаридан 35 центнердан ошириб ҳосил етиштирилди. Бугунги кунда 2 тонна уруғлик чигит кластерга қарашли “Оқтош” пахтани қайта ишлаш заводида сақланмоқда.



Ўзбек олимлари томонидан яратилган янги ғўза нави айнан Нарпай туманида синовдан ўтказилишида рамзий маъно бор. Гап шундаки, ушбу янги ғўза нави сувсизликка чидамли, айнан дашт ҳудудларида пахта хомашёси етиштиришга ихтисослашгани билан аҳамиятлидир. Нарпай туманининг Ойбек ҳудуди дашт ҳудуди бўлиб, фақатгина “Нарпай” каналидан сув насослари ёрдамида суғорилади. Табиийки, бундай шароитда сув танқислиги бўлиб туради. Шунингдек, бу ерда гармсел шамоли ҳам кузатилади. “Афсона” ғўза нави бошқа навларга қараганда сув танқислигига чидамли, эртапишар, тола чиқими 40 фоиз ҳамда ихчам тўпланишга эга бўлгани сабабли пахта териш машиналарида теришга қулайлиги, сув тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда кўчат сонини ошириш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкинлиги билан бошқа навлардан ажралиб турди. Жорий йилда мазкур нав Оқдарё туманидаги “Самарқанд” илмий тажриба станцияси ҳамда Каттақўрғон туманидаги нав синаш маркази далаларида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда.

– Ўсимлик тупи конуссимон шаклда бўлиб, ўсув шохи 0-1 тагача, ҳосил шохи ғуж жойлашган 1-типга мансуб. Илдизи кучсиз ривожланган, пояси тик мустаҳкам, ўртача тукланган, ётиб қолмайди, терим машиналарида теришга қулай. Илдиз тизимининг ён илдизлари яхши ривожланганлиги учун томчилатиб суғоришга мос.

**(Давоми 2-саҳифада)**



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

## “ВАЛИОБОД” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ШАРТНОМА РЕЖАСИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИ

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб пахта йиғим-теримига киришилаётган бир пайтда Навоий вилояти Қизилтепа туманининг Ўртачўл ҳудудида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган Раъно Валиева раҳбарлигидаги “Валиобод” фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини республика ва вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди.

Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда 31,5 гектар майдонда пахта етиштириб, 91,5 тонналик режани 91,8 тонна қилиб, 100,4 фоизга етказди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

## ХОВОСДА ЯНГИ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ

**Сирдарё вилояти Ховос туманидаги “Замон текс” пахта-тўқимачилик кластери бугунги кунда илғор технологияларни қишлоқ хўжалиги ва саноатга кенг татбиқ этмоқда.**

Кластер жорий йилда тумандаги фермер хўжаликлари билан пахта етиштириш бўйича шартномалар тузган. Бугун мазкур кластер томонидан бунёд этилган қиймати 25 миллиард сўм бўлган пахтани қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди.

Ишчи-ходимлар, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган мажмуанинг очилиши катта шодиёнага айланди. Кластер ҳомийлигида тумандаги кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг 17 нафар фарзанди учун хатна тўйлари ташкил қилинди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида кластерларнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб, Президентимиз ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар дастлабки самараларини бераётганини айтиб ўтди. Хусусан, мазкур пахтачилик кластери инновацион технология ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиб, янги иш ўринлари ташкил этаётгани, енгил саноатда эса қўшимча қиймат занжирини яратаётгани айтилди.

2021 йилда қурилиши бошланган корхона бир кунда 200 тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда 120 та янги иш ўрни яратилди.

– Келгусида корхона таркибида қиймати 23,4 миллион долларга тенг ип-калава, шунингдек, 9,3 миллион долларлик мато ишлаб чиқариш ва бўёқлаш лойиҳалари ҳам амалга оширилади, – дейди кластер раҳбари Ойбек Пўлатов. – Айни вақтда бино-иншоотлар қуриб битказилган.

Қайд этилишича, мазкур лойиҳалар 2023 йил охирига қадар ишга туширилади. Бунинг натижасида 1 500 нафар аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади. Маҳсулотларнинг 60 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

**Шуҳрат СУЯРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ



Қадим-қадимдан Хоразм воҳаси ўзининг шириндан-шакар қовунлари билан машҳурдир. Айниқса, “Гурвак” Хоразм қовунчилигининг рамзи дейилиши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам воҳада август, сентябр ойларида, айни полиз маҳсулотлари пишиб етилган паллада, анъанавий тарзда қовун сайли ўтказиб келинади. Юртимизда карантин сабаб икки йилча ўтказилмай қолган анъанавий қовун сайлига бу йил яна старт берилди. Қадим ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида ўтказилган қовун сайли бу йил ҳар йилгидан ҳам бошқачароқ бўлди. Сабаби, одамлар бу сайлни интиқлик билан кутишган, десак янглишмаймиз.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?



Мамлакатимизда янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилди. Барча тарбия ва илм даргоҳлари яна жажжи ва навқирон ўғил-қизларни бағрига олди. Уларнинг нафақат сифатли билим олишларини таъминлаш, ўз вақтида экологик тоза, витаминларга бой соғлом овқатланишини ҳам ташкил этиш, доимий назорат ўрнатиш талаб этилади. Вилоятимизда ҳам бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланди.

*(Давоми 3-саҳифада)*

"Афсона" ғўза нави – иқлимбоп, қурғоқликка чидамли, эртапишар ҳамда
пахта териш машинасида йиғиб-териб олишга қулай

# "АФСОНА" — ғўзанинг янги нави

(Боши 1-саҳифада)

Намлик юқори бўлган ва ер ости сувлари яқин бўлган далаларда ғовлаб кетмайди, шохланиб кетмаслигини ҳисобга олганда кўчат сонини кўпайтириш орқали ҳосилдорликни ошириш мумкин. "Афсона" ғўза навининг чигити тупроқ ҳарорати 130$^{C}$ бўлганда, яхши ишлов берилган далага экилади. Эртапишарлигини, чигитининг унувчанлиги юқорилигини инобатга олган ҳолда экишни 15 апрелдан 10 майгача амалга ошириш мумкин. Бунда ягона қилишда уяда биттадан ниҳол қолдирилади. Ихчам тупланишга эга бўлганлиги учун ҳозирги замонавий экиш аппаратларида экилгандан 7-9 см.да биттадан чигит экилганда ягона қилишга ҳожат қолмайди.

Янги ғўза навининг бошқа навлардан эртапишарлиги, ихчам типланишга эга, сув танқислигига чидамлилиги, тола сифатининг яхшилиги, тола чиқимининг юқорилиги, терим машиналарида йиғиб-териб олишга қулайлиги, кўчат сонини кўпайтириш орқали ҳосилдорлигини ошириш ҳамда илдиз тизими сув тежамкор технологияларни



қўллашга мослиги билан ажралиб туради, – дейди "Афсона" ғўза нави муаллифи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти катта илмий ходими Нормўмин Санаев.

"Афсона" ғўза нави иқлимбоп, қурғоқликка чидамли, эртапишар ҳамда пахта териш машинасида йиғиб-териб олишга қулайлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда ушбу нав туман ҳудудидаги нав синаш маркази пахта далаларида ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда. Натижалар ҳам ёмон эмас. "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва Каттақўрғон тумани бўлими, қишлоқ хўжалиги корхоналари мутахассислари томонидан тегишли тартибда чамалашдан ўтказилди. Пахта майдонининг турли ҳудудларидаги ғўза экинлари ҳосилидан намуналар олиниб, тола миқдори, оғирлиги, сифати ҳамда бошқа жиҳатлари таҳлил этилди. Опробация, яъни чамалаш натижалари ижобий, янги ғўза навидан гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

– "Афсона" навини 4 гектар ерга экиб, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Бу нав сувсизликка чидамли, эртапишар ҳамда тола миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ғўзани 3 марта суғордик ва гектарига 45-50 центнердан ҳосил яратилди. Эндиликда ушбу навни вилоятнинг бошқа пахта уруғчилиги хўжаликларида кўпайтириб, оммалаштириш режалаштирилган, – дейди "Каттақўрғон" нав синаш маркази бошлиғи Саид Мардиев.

Ушбу янги навни вилоятнинг пахтачиликка ихтисослашган туманлари далаларида етиштириш юзасидан кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинар ўтказилди. Унда янги навнинг афзалликлари ва агротехникаси юзасидан ахборот берилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
*"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот хизмати бош инспектори.*



# "СУВ ФАҚАТ СУВЧИГА КЕРАКМИ?!"

(Боши 1-саҳифада)

Лойқа босган ариқларда димланиб, беҳуда ерга сингиб кетаётган ёки ҳавога парланаётган сувлар аслида халқимиз ризқи эканлигини, четкароқ ҳудуддаги даласида экин экиб, ариқдан сув олиш навбати келишини мўлтираб кутаётган деҳқоннинг ҳосилига ҳосил қўшиши мумкинлигини масаланинг ичига кириб, кўпроқ ёритишса башоратларга таянувчи ва ўқувчиларда ташвиш уйғотувчи мақолаларга нисбатан ҳамма учун фойдали ва манфаатли бўлар эди. Шу билан бирга, компьютер ёки телефон қаршисидан бироз чекиниб, далага чиқиб озгина жисмоний меҳнат қилган, ўзи сув оладиган ариғини тозалашга ҳисса қўшган одамлар, сув оладиган навбати келгунча сабр қилмай, ҳаммага шикоят йўллайдиган мурожаатчилар сув келтиришнинг машаққатини тушунган ва қадрига етган бўларди, деб ўйлаймиз.



Хулоса шуки, сув ва сув йўлларининг равон бўлиши фақат сувчиларга эмас, ҳаммага керак. Шундай экан, қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, ўз уйимизга, ўз томорқамизга, ўз даламизга сув келадиган ариқларни тозалаш бўйича ҳашар тадбирларига оғринмай чиқайлик ва сувимизни асрашга, обиҳаётни тежашга меҳнатимиз билан баҳоли қудрат ҳисса қўшайлик!".

Иқтибосга изоҳнинг ҳожати йўқ бўлса керак? Ҳозир камдан-кам фермер ариқ ва зовурларни тозалашга ёрдам беради. Уларнинг аксарияти "ана нонини еган қилсин", деб томошабин бўлиб туради.

Июнь ойи ўрталарида Ўзбекистон туманига бордим. Ирригация бўлимидаги сўри ёнига энди борган эдим, "Дамас" машинасида бир йигит кириб келиб тўхтади. Машинадан тушиб, ёнимизга ўтириши билан гап қотди: журналист экансиз, мана бу сув хўжалиги бўлимидагиларни бир танқид қилинг, аламим чиқсин.

– Нима учун, тушунтириб гапиринг, – дедим унга.

Бу йигит фермер экан. Сариқўрғон сув тақсимлаш бўлимидан келаётган сувни навбати билан олиши керак экан. У эса бунга риоя қилмай, ҳозир сув берасан, дея турли жойларга шикоят қилибди.

– Бормаган жойим қолмади, ҳокимга бордим, прокурорга бордим, юқорига чиқдим, барининг тили бир, – деди у янада тажанглашиб.

У беписандлик билан гапирарди.

– Сув тақчиллиги туфайли қанча ердаги ғўзангиз қуриб қолди, – дедим.

– Қуриб қолгани йўқ, бари-бир ҳозир сув очмасам бўлмайди-да, иссиқни қаранг, – деди фермер аччиғланиб. – Буларнинг вазифаси сув етказиб беришми ахир, сўраган вақтимда топсин-да...

– Кўрдингизми, бу йигит сира тушунмайди, вегитация даврида ҳаммага сув керак, лекин бизни шароитимизда навбатма-навбат сув берилмаса ҳаммага етказиб бўлмайди. Ҳар йилги ишимиз шу.

– Юринг, даламни кўрсатаман, – деди менга қарамасданоқ машинаси томон юрар экан фермер. – Ҳаммасини ўша ерда кўрасиз.

– Сиз бўлган воқеаларни, сув бермаганининг сабабларини менга ёзиб беринг, – дедим. – Э, сиз ҳам ўшалар билан шерикка ўхшайсиз-а? Мен сизга ёзадиган бўлганимда аллақачон қотирворардим. Ёзишни билмайман-да...

Энди шу йигитнинг ҳаракатларини тўғри, деб ўйлайсизми? Унга ҳудудингиздаги ариқларни тозалашга ёрдам беринг, десангиз ҳеч қачон рози бўлмайди. Шунақалари кўп. Уларга фойда бўлса бўлди.

Мулоҳазамиз сўнггида айтмоқчимизки, бизнинг шароитда сув жуда ҳам ноёб. Уни тежаб-тергаб сарфлаш бурчимиз. Асосий суғорма сувларининг 80 фоиздан кўпроғи қўшни давлатлардан келаётганини ҳисобга олсак, муроса қилиб, навбат билан сув олишга ўрганамиз. Ариқларни тозалаш ҳашаридан бўйин товламаймиз!

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
*Сирдарё-Сўх ИТҲБ матбуот котиби.*

# ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Буни ҳар бир туман учун белгиланган павильонларнинг гуллар, полиз ва сабзавот экинлари, мева-чевалар билан безатилишидан ҳам билса бўлади. Қовун сайли Ичон қалъанинг Ота дарвоза олдидаги майдонда, ҳатто Ота ҳовуз бўйларигача ёйилди. Ушбу сайлда хоразмликлар билан бирга хорижий сайёҳлар ҳам бирдай иштирок этишди ва уларда бу тадбир катта таассурот қолдирди.

Деҳқонлар ва амалиётчи олимлар қовуннинг унутилган навларини тиклаш, экспортбоп янги навларини яратиш ва кўпайтириш устида ишламоқда. Селекционер олимлар томонидан ҳосилдорлиги юқори бўлган, ноқулай об-ҳаво шароитлари, айниқса, оқпалак касаллигига чидамли, экспортбоп "Гурлан", "Амударё", "Гулоби Хоразми", "Саховат", "Заргулоби" навларининг яратилгани бу борадаги изланишларга ёрқин мисолдир. Ҳозирда вилоятда қовуннинг 130 тури мавжуд.

"Қовун сайли – 2022" фестивали доирасида кейинги йилларда вилоятда қовунчилик ва полиз экинлари бўйича илмий ишлар олиб бораётган соҳа мутахассислари фаолияти билан яқиндан танишиш имкони яратилди. Фестиваль доирасида вилоятнинг фольклор-этнографик гуруҳлари, ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, гуллар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши ҳам ташкил этилди. Ҳар бир туман ва шаҳар учун ажратилган, байрамона безатилган павильонларда





қовунлар ўзига хос манзарали кўринишда намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра энг кўп қовун экспорт қилган Шовот тумани фестивалнинг олий ўрин соҳиби деб топилиб, "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди. Биринчи ўринга Янгибозор, Хонқа ва Қўшкўпир туманлари лойиқ деб топилди. Қолган шаҳар ва туманлар иккинчи ўринга муносиб кўрилди ва вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди. Тадбирда шунингдек, қовунчиликда энг яхши натижаларга эришган фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам тақдирланди.

Санъат усталари ижросидаги маданий дастур сайлга ўзгача файз киритди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# НАЗОРАТ СИФАТИ

## УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИГА БОҒЛИҚ

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш борасида Конституцияга бир қанча муҳим ўзгартиришлар киритилаётир. Конституциявий қонун лойиҳасидан коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим омили – очиқликни таминлаш ҳам ўрин олган.

Хусусан, ҳар бир инсоннинг глобал ахборот тармоғига кириш ва ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган. Шу билан бирга, давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тартиби очиқлик ва ошкоралик тамойилларига асосланиши, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан унинг устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши назарда тутилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашишда муҳим ўрин тутадиган фуқаролик жамияти институтларининг таркиби аниқ белгилаб берилган. Бошқача айтганда, маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши назарда тутилган. Бандан ташқари, амалдаги қонунчиликда давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга ошириш тартиби белгилаб берилган. Таҳлиллар парламентнинг бу борадаги ваколатлари мукаммал эмаслигини кўрсатди. Бу Олий Мажлис ва Ҳисоб палатаси ўртасидаги муносабатларда ўз ифодасини топмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, Ҳисоб палатаси парламентнинг бюджет назорати бўйича махсус ваколатли органи ҳисобланади. Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Давлат раҳбари мазкур ваколатни Олий Мажлис Сенати зиммасига ўтказишни таклиф қилди. Бу орқали Ҳисоб палатаси давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишда парламент назоратининг муҳим воситасига айланиши таъкидланди.



Савол туғилади: Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишда Ҳисоб палатаси қандай рол ўйнайди?

Қайд этиш жоизки, давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлис Ҳисоб палатаси билан ҳамкорлик қилади. Ҳисоб палатасининг фаолияти давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ва фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб бориш ва назоратни таъминлаш, қимматбаҳо металлар ва тошлар билан операцияларни амалга ошириш, олтин-валюта захираларини бошқариш, бюджет маблағларини жалб этиш, шунингдек, давлат бюджети маблағлари ва активларини бошқаришга ва хорижий капитални мамлакат иқтисодиётида самарали ишлатиш, давлатнинг ташқи қарзини ўз вақтида қайтаришга қаратилган.

Олий Мажлис Ҳисоб палатасининг хулосаларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун мамлакатимиз солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўғрисидаги лойиҳаларни киритади. Хорижий мамлакатлар давлат бюджетида Ҳисоб палатаси ва парламент ўртасидаги муносабатларнинг тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, Францияда Ҳисоб судининг давлат бюджети ҳақидаги йиллик ҳисоботи июнь ойи охирида парламентнинг икки палатаси ва ғазначиликка тақдим этилади. Бу тўғридан-тўғри бюджет ижросининг қонунийлигини баҳолаш, бюджетни бошқариш ва парламент томонидан белгиланган мақсадларга эришишни баҳолашга қаратилган. Унда давлат бошқарувини соддалаштириш учун қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тавсия этилади. Ҳисоб палатаси ҳисоботни тақдим этишдан олдин давлат бюджетига мувофиқлигини тасдиқловчи қарор қабул қилиши шарт. Хорижий давлатлар қонунларида парламент ва Ҳисоб палатаси ҳам давлат бюджети устидан парламент назорати доирасида ўзаро боғлиқ бўлган органлар сифатида қаралади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Олий Мажлис ваколатига киргани жуда муҳим. Конституциявий қонун лойиҳасида Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколатини Сенатга ўтказиш тўғрисидаги норманинг акс эттирилишини судья сифатида мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман ва қўллаб-қувватлайман.

**Суҳроб ЮЛДАШЕВ,**
**Тошкент туманлараро маъмурий суди раиси.**

**Талаба қизлар учун имтиёзли таълим кредитлари улар супер-контракт асосида ўқишга қабул қилинганларга ҳам бериладими?**

# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКДАН ТАЛАБА ҚИЗЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ

Жорий йилнинг 5 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан йил бошига нисбатан жами 600 га яқин талабага 5 539 млрд. сўм миқдорида таълим кредити ажратилди. Шундан 866 млн. сўм ҳажмидаги таълим кредити бевосита талаба қизларга тақдим этилди.



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг илм олиши ва ҳунар ўрганиши йўлида сафарбар этилаётган моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишлар натижасида зиёли аёллар доираси тобора кенгайиб бормоқда. Президентимиз томонидан шу йилнинг 18 июлида қабул қилинган “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириб, жамиятимизда олий маълумотли, билимли ва касбу корли қизларнинг янада кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида ушбу қарор ижроси доирасида талаба қизлар учун имтиёзли таълим кредити жорий этилди. Ушбу турдаги кредит Ўзбекистондаги барча олий таълим муассасалари (ОТМ), жумладан, давлат, хусусий ва хорижий ОТМлар филиаллари ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида бакалавр ҳамда магистратура йўналишига тўлов контракт асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқишни кўчирган талабалар учун ажратилмоқда.

***Таълим кредити бўйича мавжуд имтиёзлар*:**

– *фоизсиз. Чунки*, қарор талабларига кўра, *таълим кредити бўйича белгиланган* 14 фоиз*ли устама Ўзбекистон Республикаси*



*Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси томонидан қопланади*;

– ўқишнинг барча босқичида ушбу кредитдан фойдаланиш *имкони мавжуд*;

– кредитни бир оилада бир неча қиз фарзандлар учун олиш мумкин;

– “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажратиладиган имтиёзли таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди;

– *кредитни сўндириш даврида уни тўлаш учун сарфланган маблағлар даромад солиғидан озод этилади.*

***Таълим кредитини расмийлаштириш учун қуйидагилар талаб этилади:***

*– имтиёзли таълим кредити олиш тўғрисида ариза;*

*– шахсни тасдиқловчи ҳужжат;*

*– таълим муассасаси билан тўлов-контракт шартномаси;*

*– талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат.*

Кредит таъминоти қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

*Кредит миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача бўлиши; жисмоний шахс кафиллиги ёки суғурта полиси;*

*кредит миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ошган тақдирда мол-мулк* (автотранспорт, кўчмас мулк) *гарови*.

*Бунда мазкур кредит маҳсулоти бўйича (кредит қолдиғига нисбатан) таъминот миқдори ҳамда мижознинг тўлов қобилияти ҳар бир ўқув йили учун алоҳида ўрганилади.*

Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб (яъни, олти ой ўтиб) 7 йил давомида қайтарилади.

Бундай кредитни бериш супер-контракт, қўшма таълим ва иккинчи мутахассислик учун кўзда тутилмаган.

**Банк ахборот хизмати.**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

**(Боши 1-саҳифада)**

Таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари белгиланган бўлиб, унга кўра энг аввало таълим муассасалари овқатланиш ошхоналари ходимларига шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, профилактик тиббий кўрикдан ўтиш ва касбий гигиеник тайёргарлик борасида қатор талаблар қўйилган.

Муассасаларда тарбияланувчи ва ўқувчилар ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ходимлар томонидан шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши учун ошхонада керакли барча шароит яратилиши шарт. Тиббий аптечка билан таъминаниши, иссиқ ва совуқ сув бўлиши, аралаштириш мосламаси ўрнатилиши, алоҳида совун ва шахсий ёки бир марталик сочиқлар қўйилиши лозим. Ишлаб чиқариш ванналарида қўлларни ювиш мумкин эмас. Ошхоналарда ходимлар учун мўлжалланган махсус иш кийимларини марказлашган ҳолда ювиш ва доимо озода сақланишини назоратга олиш лозим. Агарда ходимда шамоллаш ёки ошқозон-ичак касалликлари ёки унинг оиласида ичак инфекциялари билан хасталаниш қайд этилган ҳолатларда, шунингдек, йирингли яралар, кесилишлар, куйишлар кузатилса, уни вақтинча ишдан четлатиб, тиббиёт муассасаларига жўнатиш керак. Фақат саломатлиги тиклангандан сўнг, тиббий кўрик ва шифокор хулосасига қараб ишлашига рухсат берилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига кўра, таълим муассасасида ўқувчиларнинг сифатли ва хавфсиз таомланиши учун овқатланишни ташкил этувчи масъулдир. Таомлар алоҳида, уч кишидан кам бўлмаган тиббий ходим, ошхона хизматчиси ва таълим муассасаси вакилидан иборат комиссия томонидан текшириб борилади. Шунингдек, тиббиёт ходимлари таълим муассасасида овқатланишни ташкил этишда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини назорат қилади. Қабул қилиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги, ишлаб чиқарилган санаси, сақлаш муддати шартларни кафолатловчи ҳужжатларига мувофиқ келиши шарт. Етказиб берилаётган маҳсулотларнинг сифати назорат журналига ёзиб борилади. Илова қилинган ҳужжатларни маҳсулот омборда тугагунча сақлаш талаб этилади. Тайёр таомлар фақатгина органолептик баҳолангандан кейингина тарқатилади. Таомларнинг вазни таомномада кўрсатилганидек бўлиши керак. Овқат тайёрлаш технологияси бузилган ҳолда, шунингдек, тайёр бўлмаган ҳолда ёки аниқланган пазандалик муаммолари бартараф этилмагунча, овқат дастурхонга тортилишига рухсат этилмайди. Ҳар куни ишга киришишдан олдин тиббиёт мутахассиси томонидан таълим муассасаси ошхона ходимларининг тўлақонли соғлиги, шунингдек, ангина, нафас олиш йўллари катарал ҳолатлари текширилиши лозим. Овқатни витаминлар билан бойитиш тиббиёт ходимининг назоратидан ўтказилади. Витаминлаштириш санаси ва вақти, ҳажми, сифати, тарбияланувчи ва ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар тавсия этилаётган шаклга мувофиқ қайд этиб борилади. Озиқ-овқатларга қўйиладиган тегишли гигиеник талабларга биноан тайёр таомлар хавфсизлигини тасдиқлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги озиқ-овқат қийматини аниқлаш, санитария-эпидемиология хизмати томонидан амалга оширилади.

**Маҳамматсоли ТОРАБЕКОВ,**
*Наманган вилояти СЭО ва ЖС бошқармаси бошлиғи.*



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Ўзбекистон шахмат федерацияси Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими томонидан Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами муносабати билан шахмат мусобақаси ўтказилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманлари шахмат клубларининг 18 нафар ёш шахматчилари ўзаро куч синашдилар. Уч кун давом этган танлов якунларига кўра, ғолибларга Ўзбекистон шахмат федерацияси Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимининг махсус сертификати ва эсдалик совғалари топширилди.**

**Фирдавс ҒАНИЕВ,**
*1-ИДУМ ўқувчиси.*

# МАҲАЛЛА ХАРИТАЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТГА МОСЛИГИ ЎРГАНИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг август ойида уй-жойлар рўйхатини тузиш ишларини амалга ошириш белгиланган эди.**



Шу муносабат билан август ойи давомида Тошкент шаҳрининг барча туманларида 230 нафар регистратор ходимлар томонидан турар жойлар ва аҳоли яшаши мумкин бўлган нотурар жойлар рўйхатини шакллантириш ҳамда маҳалла хариталарининг жойидаги ҳақиқий ҳолатга мослигини ўрганиш ишлари олиб борилди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида 28 нафар регистратор ходим фаолият олиб борди. Бугунги кунда Юнусобод туманининг доимий аҳолиси сони 363 минг кишини ташкил этиб, 64 та МФЙ, 90 мингдан ортиқ хонодон мавжуд.

Мазкур тадбирлар натижасида маҳаллалардаги рақамсиз уйлар, номсиз кўчалар, харитага киритилмаган турар жойлар, бузилган уйлар, янги қурилаётган турар жойлар ва аҳоли яшаши мумкин бўлган нотурар жойлар аниқланади ва маҳалла хариталари янгиланди. Бу эса аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Даврон ТОҲИРОВ,**
*Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи.*

# БЕПАРВОЛИК БОШГА БАЛОДИР

**Ёнғин нима сабабдан келиб чиқади? Албатта, бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли.**

Бунга электр симларининг қисқа туташуви, ўчмаган сигаретани ташлаш, газ плитаси ва бошқа олов билан боғлиқ ўзбошимчаликлар, телевизор, дазмол ва бошқа маиший техник жиҳозларни ёқиқ қолдириш каби сабабларни келтириш мумкин. Бундай эътиборсизликлар кўплаб кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлишига олиб келмоқда. Халқимизни ўт балосидан асраш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Унутмайликки, хонадонларда, хизмат жойларида, жамоат жойларида ўрнатилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш орқали ёнғинларнинг, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга эришамиз.

**Жасурбек ХАЙРУЛЛАЕВ,**
*Сергели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими П ва НБ инспектори, капитан.*

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

*Бир мурожжат изидан*

# ЎҚИТУВЧИНИНГ БУЗИЛГАН МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ



Қибрай тумани адлия бўлими томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб киритилган таъсир чоралари натижасида судларга юздан зиёд даъво аризалари киритилди ва 98 фоизи қаноатлантирилган. Адлия бўлимлари томонидан ҳал этилган масалаларни асосан меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, пенсияга оид, ер-мулк соҳасидаги муаммолар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик бўлаётган турли ҳолатлар ташкил қилади.

Жорий йилнинг биринчи август куни Қибрай тумани халқ таълими бўлимига қарашли 35-умумий ўрта таълим мактабида мусиқа ўқитувчиси лавозимида фаолият юритаётган Э.Р. туман адлия бўлимига меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлигидан норози бўлиб мурожат қилди. Аниқланишича, мактаб масъуллари томонидан Э.Р. билан

2008 йилдан ҳозирги кунгача мусиқа ўқитувчиси лавозимига ўриндошлик асосида шартнома тузилиган. Ваҳоланки, Э.Р. 1996 йилдан ушбу мактабда мусиқа ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинган. Мактаб масъуллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 76-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги оқибатида Э.Р.нинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Мактаб директорининг жорий йил 25 майдаги 91-сонли буйруғига асосан Э.Р. билан тузилган муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинган. Ходимга берилиш керак бўлган йиллик меҳнат таътиллари берилмаган ва таътиллар учун ҳақ тўланмаган. Бу билан ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Э.Р.нинг аризаси ўрганиб чиқилиб, мактабга қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан Э.Р.нинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Зеро, адлия бўлимларини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий меъёрларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишига эришишдан иборат эди. Бу эса ҳамюртларимизнинг ҳуқуқий муаммоларини ортиқча оворагарчиликсиз ҳал этишга имкон берди. Адлия бўлимларининг ташкил қилинганлиги фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида катта қадам бўлди, деб айта оламиз. Шунингдек, ўтган давр мобайнида фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонунчиликка берилган таклифлар кўплаб бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш имконини берди. Бундан ташқари, адлия бўлимлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида ҳам кўплаб тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, адлия бўлимлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

**Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ,**
*Қибрай тумани адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.*

**Беназир санъаткор ҳаётда оддий, хокисор эдилар**

**Комилжон Отаниёзов ҳақида хотиралар**

# ДОИМО ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЭДИ

**Хоразм қўшиқчилик санъатининг дарғаларидан бири, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти Комилжон Отаниёзов Хоразм вилояти Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида туғилган. Отаси Отаниёз Қори Охун Полвонниёз ўғли Хивадаги Арабхон мадрасасида мударрислик қилган. Ниёзий тахаллуси билан ғазаллар ёзиб, девон чоп эттирган. Комилжон Отаниёзов Мустақиллик йилларида "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.**



Ўзбекистон халқ артисти, машҳур раққоса Гавҳар Матёқубова узоқ йиллар, то ҳофиз вафотига қадар, у киши билан ёнма ён туриб ижод қилган, кўплаб гастрол сафарларида бирга бўлган. Гавҳаржон опа ҳофиз билан бирга ишлаган даврларни эслаб, хотираларини биз билан ўртоқлашди.

– Буюк хофиз Комилжон ака ҳақида эслаганимда беихтиёр ўзимнинг ёшлик йилларим ёдимга тушади. Хоразмда Питнак қишлоғидан ўтгандан кейин "туз кони" деган шифобахш, балчиқли лой ва сувлари билан даволовчи маскан бўлар эди. Хоразм халқи ёз чилласида шу масканга бориб, даволанишарди. Комилжон ака хам бундан мустасно эмасди. У киши ҳам ёз келди дегунча вақт топиб бир-икки маротаба "туз кони"га борарди. Албатта, ёнларида рафиқаси Имсиной бийим, доирачиси Отаназар Абдалниёзов ва мен у кишига ҳамроҳлик қилар эдик. Устоз балчиқли сувга тушиб чиққанидан кейин оёғига этик, эгнига иссиқ тўнларини кийиб бир муддат чодирда дам оларди. Халқ Комилжон аканинг келганини эшитиб, устоз дам олаётган чодирга ёпирилиб келарди. Устознинг дарҳол қўлига торини олиб ашулани бошлаб юбориши сайлга чинакам тантанавор тус берарди.

Комилжон ака жуда хокисор инсон эдилар. Давраларда ўзи одамлардан баланд тутмасдилар. Ўша пайтлари янги урфда бўлган костюм, пальто, куйлакларни киймасди. Турмуш ўртоғи мана бу костюм, пальтоларингизни кийинг ахир, бу янги модадаги кийимлар бўлса, ана фалончилар кийиб юришибдику, сиз қачон киясиз буларни деса Комилжон ака мен фалончи эмасман, мен халқ хизматкориман, мен халқдан зиёд кийинмайман дер экан.

Устоз шогирдларига жуда талабчан эдилар. Репетиция жараёнларида ўрганилаётган қўшиқми, мусиқами ёки рақсми унинг мазмунини тушунтириб ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам берар эдилар. Иш пайтида ҳеч кимни аяб ўтирмасди. Туркманистон Республикаси ҳукуматининг таклифига кўра 1967 йили Тошҳовуз вилоятида Ўзбек ашула ва рақс ансанбли тузиладиган бўлди. Хоразмдан Комилжон ака ўша даврнинг машҳур раққоси Зариф Латипов, доирачи Отаназар Абалниёзов ва мен шогирдлари билан ансамблни ташкил этишда қатнашдик. Ансамблни тузиш жуда қийин кечди. Чунки етарли мутахассислар йўқ эди. Айниқса, рақс сирларни ўргатувчи балетмейстрлар йўқ ҳисоби. Рақсларни Зариф Латипов ўргатарди. У киши ҳам халқ ичидан чиққан туғма талант эгаси эди. Жамоа аъзоларининг кўпчилиги устоз қўйган талабларга жавоб беролмасди. Ансамблнинг фақат Республика қобиғида ўралашиб қолмасдан бутун иттифоқ бўйлаб концерт дастурлари бера олиш имконига эга бўлиши назарда тутилган эди.

Комилжон аканинг рақс санъатидан хабордорлиги боис раққосаларнинг ҳаракатлари уни қониқтирмасди. Зариф акага танбеҳлар берди.

– Зарип, бор кучинг ва маҳоратингни ишга сол, уялиб қолмайлик яна. Ҳар бир ҳаракатни ўн, керак бўлса йигирма марталаб такрорлат. Керак бўлса ҳар бир раққосани оёқ ҳаракатларини доирага мослаб дарс ўтасан.

Зариф ака бу иш қўлидан келмаслигига Комилжон акани ишонтирмоқчи бўлсада, устоз уни эшитишни ҳам хоҳламасди. Жаҳли чиққан Зариф ака кетаманга тушиб қолди. Буни эшитган Маткарим ҳофиз ҳов Зариф, сен кетсанг, мен кетсам, эшитган дўсту душман нима дейди, сенинг қўлингдан келмайдиган иш йўқ, уддалайсан, деди.

Зариф ака Хоразм ашула ва рақс ансамбли ташкил этилганидан бери Комилжон ака билан бирга ёнма ён ишлаб келаётган эди. У киши озғин, қотмадан келган, юзлари доим жиддий ва ҳайрон қоларли даражада ёқимли эди. Зариф аканинг оғзидан бирон марта ёмон гап чиққанини ёки ёмон хатти-ҳаракатларини кўрмаганман.

Зариф ака ансамблда қолиб раққосалар билан шундай берилиб ишладики, ҳатто танаффуссиз репетиция жараёнларини олиб борди. Ниҳоят чиройли концерт дастури тайёр бўлди. Комилжон ака дастурни кўриб ўтириб, Зариф, бўлар эканку, мен худди мана шуни сендан кутган эдим. Сен бўлсанг билганларингни нариги дунёга олиб кетмоқчи бўлиб юрибсан, дея ҳазиллашди.

Комилжон аканинг Тошкентдаги ҳовлиси ҳар доим унинг мухлислари, қолаверса бутун хоразмликлар учун очиқ турарди. Ҳар доим катта ҳовлида қозон осиғлиқ, овқат пишиб турарди. Ҳатто консерваторияда ўқиётган хоразмлик талабалар пули тамом бўлиб қолса тушликда устоз хонадонига келиб, қоринларини тўқлаб кетишарди.

Бир тўйда телбанома йигит устоз олдига келиб саломлашди. Атрофда турган катхудолар дарров уни четга олишди. Комилжон ака қўшиқ айтаяпти, аммо икки кўзи ўша йигитда. Қўшиқ тамом бўлгач, у оҳиста юриб, даврада ўтирган ўша йигит ёнига бориб узоқ суҳбатлашди. Шунда доирачи Отаназар оға устоз, телба билан нима ҳақида гаплашдингиз, ахир халқ кутиб қолдику, деса Отаназар, бу инсонга Худо дард берибди, ҳеч бир инсон шундай туғилишни истамайди, у ҳам Яратганнинг бандаси. Ашулачи бўласанми, дея кўнглини кўтардим. Энди бир умр мен билан Комилжон ака гаплашди, деб қувониб юради деган экан.

Комилжон ака тўйларга айтиб келган одамларга фалон пул берасан, деб айтмаган. Бир куни буломончи Қуронбой ака, раққос Зариф Латипов ва мен машинада тўйга кетаяпмиз. Шунда Зариф ака бугун пайшанбами, уйга қуруқ борадиган бўлибмизда, деб қолди. Дарвоқе, устоз пайшанба куни тўйга борса кабағалми, бойми уй эгаларидан пул олмасди. Тушган пулни тугиб, тўй эгасига топшириб келарди.

– Пайшанба куни Худонинг тилак эшиклари очиқ туради. Шугунги хайрларингиз Аллоҳ даргоҳида қабул бўлади. Бир кун уйингга пул олиб бормасанг гадой бўлиб қолмайсанку. Устознинг бу кескин жавобидан Зариф аканинг дами ичига тушиб кетди.

Бир тўйдан жуда чарчаб чиқдик. Ҳамма нарсаларни йиғиштириб, кетишга шайланаётганимизда тўйда хизмат қилган ошпазлар келиб қолди:

– Комилжон ака, биз қозон билан бўлиб ашулангизни эшита олмадик. Иложи бўлса бир жуфтгина...

Шу пайт тўй катхудоси эй, қўйинглар-эй, бу на Комилжон акани жони темирданми, у ҳам одам, чарчайди, деса устоз қўявер, шуларнинг ҳам сазаси ўлмасин, деб қўлига торни олиб, ашулани бошлади.

Узоқ бир қишлоқдан тўйга айтилган эди. Маълум бир сабабларга кўра тўйга кечикдик. Устознинг кайфияти йўқ. Тўй жойига борсак тўй тугаб, одамлар энди тарқала бошлаган экан. Катхудолар бизни қаршимизга пешвоз чиқишди, аммо тўй эгасининг бизни кўргиси ҳам келмади. Комилжон ака ҳеч кимга эътибор бермай тўғри даврага ўтиб ашулани бошлаб юборди. Тарқалаётган одамлар яна қайтиб кела бошлади. Одамлар орасида ҳар хил гап-сўзлар қулоққа чалинарди. "Нафс ўлсин, нафс, яна бир тўйдан келаётир", каби гаплар эди булар. Устоз гапларга эътибор бермади. Шу куни халқ Комилжон ака билан бирга бўлди. То қуёш чиққунча тўй базм бўлди.

Бетакрор санъаткор Комилжон ака ҳақида у билан ёнма ён ишлаган инсоннинг хотиралари келажак авлод ва булғуси санъаткорларга дастуриламал бўлади, деб ўйлаймиз.

**Болтабой Муҳаммад Қурбон**

*Хоразм вилояти*

---

Автобусда кетар эканман, олдинги ўриндиқда бир-бирига яқин ўтириб дилдан суҳбатлашаётган икки аёл диққатимни тортди. Илиқлик ва самимият уфуриб турган юзларида ора-сирада табассум жилва қиларди. Аёллар суҳбатга берилар эканлар қўлларидаги гўдагининг хархашасига ҳам эътибор бермас эдилар. Ҳайдовчи эса пастроқ оҳангда мусиқа тинглар, чеҳрасидан роҳатланаётгани сезилиб турарди.



# ТИНЧЛИКНИНГ БАХТИЁР ҲАЙҚИРИҒИ

Манзилга келгач, автобусдан тушдим ва бозор томон юрдим. Йўлакнинг икки ёни мева-чева билан тўлган, бироз кечиккан деҳқонлар ҳали уларни жойлаштиришга улгурмаёқ савдосини баракали ҳайқириқлар билан бошлаб юборишган эди. Нонвойлар ёнидан ўтар эканман иссиқ тандир бағрида меҳр билан пишган нонлар иштаҳани очади. Бармоғимнинг икки буғинидан узунроқ келадиган, есанг шираси томоқ қирай дейдиган ҳусайни узумлар худди атайин сен учун узилгандай. Улкан бозор эса бутун халқ шунинг ичидадек ҳар куни гавжум. Молини мақтаётганлар суриниб, талашиб, тортишиб, кулишиб, бақириб-чақириб опажон, холажон, тоғажон деб чорлаганча тиним билишмайди. Буларнинг бари қизиқ. Бозордан иккита нон, бир кило узум олиб, опамнинг ишхонасига бордим. Яқинда енгиллашади дедим, илиндим. Эрталабдан ишларимни битириб кеч бўлмасдан уйга қайтдим. Ҳар кунгидек кечликка шинамгина жой тайёрладим. Мусиқани баланд қўйиб уй ишларимни қилдим. Ҳовлимиз салқин, чорпояга жой сола туриб буларнинг бари тинчликдан, деган ўй ўтди кўнглимдан. Аямдан сўрадим:

– Ая, тинчликни нимада ҳис қиласиз?

Аям меҳр тўла ёниб турган кўзларини менга тикиб жавоб бердилар.

– Тинчликми? Тинчлик ҳақида ўйлайсану борлигидан, барқарорлигидан кўнглинг ёришади, – дедилар. – Тинчлик, яшаб турган юртингда осмонўпар биноларнинг кўплиги, исталган имкониятлар эшиги очиқлиги эмас.

Аямнинг жавобидан ўйланиб қолдим. Тинчлиги бўлмаган юртда ҳали эсини танимаган болалар ҳатто болаларча эркалик билан овоз чиқариб йиғлай олишмайди. Бунинг қанчалик катта фожиа эканлигини боши узра ўқлар визиллаб турганлар биладилар. Англадим. Автобусда сўзамоллик қилган аёлларнинг чеҳрасидаги хотиржамлик, ниманидир истаб хархаша қилган болакайларнинг эркинлиги, севимли мусиқасини тўлғониб эшитганда олинган ҳайдовчининг роҳати, ҳеч нарсанинг ташвишини чекмай, баракали ҳайқириқлари билан савдосини бошлаган деҳқоннинг чеҳрасидаги ёруғлик, қондошлик меҳри билан опамга илинганим иссиқ нон ва ялтираб турган ҳусайни узумга назар ташлаб шодланганим. Бир дам енгил тин олиб шукр қилиш. Буларнинг барчасида тинчлик қўшиғининг оҳанглари бордек. Тинчлик ҳатто шовқинлар ичида ҳам бахтни ва сокинликни топиш мумкин, демакдир.

Сизни билмадиму менинг омонлигим, бахтим, қўрқмасдан олган нафасим – тинчликдир. Ҳар куни кечки пайт ҳовлимизни салқинлатиб жой ташлашим ва ота-онам, ака-укам, синглим, жиянларим билан хотиржам гурунглашишимиз, қишлоқдошларимиз ҳовлилари томондан эшитилаётган жарангли кулгулар, қувноқ мусиқалар товуши, бўлиб ўтаётган тўй шодиёналари, қўшни болажонларнинг хурсандчилиги – ТИНЧЛИКдир. Ана шу бебаҳо бойликни асраш, унинг келажакка безавол етишига ҳиссадор бўлиш вазифамиздир. Тинч ва осуда осмон остида яшаётган юртдошларим! Нақадар бахтли эканлигимизни ҳис қиласизми? Ишонаман, ҳис қиласиз.

**Латифа МЕЙЛИЕВА,**

*Қамаши тумани*

---

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

# "ШУКРОНА КЕЛТИРИБ ЯШАШ БАРЧАМИЗ УЧУН ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ"

**Мингбулоқ туманидаги Момохон қишлоғида истиқомат қилаётган Исмоилжон ҳожи Ҳамдамов бу йил 73 ёшни қарши олди. Юзидан нур ёғилган, тилидан шукроналик аримайдиган бу отахон билан суҳбатлашсангиз, гўё мозийга саёҳат қилгандек бўласиз.**

– Отам Ҳамдамбой Турғунбоев 1939 йилдан бошлаб Финландия, Иккинчи жаҳон, Япония урушларида қатнашган. Узоқ йиллар дараксиз кетганлиги учун халок бўлганлар рўйхатига киритилган. Не бахтки, жангу жадаллардан омон чиққан падарибузрукворимиз 1947 йилда она юртига соғ-омон, кўкси тўла орден, медаллар билан қайтиб келган. Онам Гулсунойхонга уйланиб, Мингбулоқни ўзлаштиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Узоқ йиллар азим Сирдарё соҳилидаги қамиш-қуроқлар, йиртқич ҳайвонлар макони бўлган тўқай, қумлоқ ерларнинг ҳосилдор дала, боғларга айлантирилишида жонбозлик кўрсатган. Пахтачилик бригадаси сардори, колхоз раиси сифатида мамлакатга танилган. Оғир, тирикчилик қилиш қийин бўлган замонларда саккиз нафар ўғил-қизни дунёга келтириб, вояга етказган, – дейди ўша оғир йилларни эслаб Исмоилижон ота.

Меҳнаткаш оилада тарбия топган, турмуш қийинчиликларини ўз бошидан кечирган ёш Исмоилжон қишда лой, ёзда тупроқ кечиб, олис Қолгандарёда жойлашган мактабга қатнаб, билим олди. Сўнгра ота-она дуоси билан Андижон пахтачилик олийгоҳининг агрономия факультети талабаси бўлди. Институтни муваффақиятли тамомлаб, киндик қони томган, отақадрдон замин – Мингбулоққа қайтди. Агроном бўлиб иш бошлади. Қисқа вақт ичида йиллаб пахта режасини уддалай олмай келаётган ширкат хўжалигига бош агроном вазифасига тайинланди. Навоий номли колхоздаги даврида чигитни туксиз, пуштага, ўғит билан экиш ва 100 метрли ўқариқлар билан суғориш каби кўплаб агротехник тадбирларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиб, оғизга тушди. Мингбулоқ давлат нав синаш участкаси, "Гулбоғ", "Зардарё", Амир Темур номли хўжаликларни бош агроном, раҳбар сифатида моҳирона бошқарди. 1993 йилда эса Мингбулоқда биринчи бўлиб фермерчилик ҳаракатини бошлаб берди. Тендерда қатнашиб, ғолиб бўлди. "Ҳамдамбой" фермер хўжалигига асос солди. Йиллар ўтиб, олийгоҳларни битирган ўғли, қизи, келини Момохон қишлоғи атрофидаги майдонларда "Кўк дала", "Момохон олтин чашмаси", "Кўк сув даласи" кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиб, юқори ҳосил етиштириш борасида барчага ўрнак бўлмоқда.



Исмоилжон ота томонидан амалга оширилган, айни кунда ҳам давом эттирилаётган амалий ва хайрли ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. У туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан ташкил этилган "Фахрийлар гуруҳи"нинг фаол аъзоси, фермер фарзандлари маслаҳатгўйи. Қаерда бўлмасин, шукрона келтириб яшаш шу азиз ватанда умргузаронлик қилаётган барчага ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини қайта ва қайта таъкидлашдан чарчамайди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

QISHLOQ HAYOTI

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа даҳлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-947. 1251 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.10